

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Тошкент шаҳар “Баркамол
авлод” болалар мактаби
директори**

Т.М.Мирсагатова



2022 йил

Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби харажатлар сметасига иссиқлик тизимини жорий тамирлаш учун ажратилган 149982833 сум маблағни мақсадли сарфлаш бўйича ўтказилган йиғилиш

1-сонли БАЁНИ

“ 08 ” 11.06 2022 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи : И.К.Ни - Директорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари

Иштирок этдилар : Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби директори, ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис, касаба уюшма кўмита раиси, услибчилар, хўжалик мудирлари, бош ҳисобчиси, фонд сақловчи, ўқув ишлар бўйича директор ўрин босари.

КУН ТАРТИБИ:

Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактабига 149 982 833 сўм ажратилган маблағни мақсадли сарфлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонунида белгиланган “Энг яхши таклифларни танлаш” тартиби асосида танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш тўғрисида

(И.К.Ни, У.С.Бўриев, М.А.Расулов, Мадатов Э.М, У.С.Бўриев, Ш.Ж.Аллабердиев, Қ.Б.Исмоилов.)

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби ўқув ишлар бўйича директор ўрин босари Ни.И.К ҳамда бош ҳисобчиси Ш.Аллабердиев сўзга чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 9 - моддаси “Очиқлик ва шаффофлик принципи”, 10 - моддаси “ Рақобат ва ҳолислик принципи” га мувофиқ:

Давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлиги:

тегишли давлат органларига, давлат харидларининг субъектларига ва жамоатчиликка давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда уни махсус ахборот порталига жойлаштириш;

Давлат харидларидаги рақобат:

Давлат харидларидаги рақобат харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ўртасидаги, давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари ўртасидаги ва ихтисослашган ташкилотлар ўртасидаги тортишув, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишда ҳамда ҳолис ва асосли мезонлар асосида энг мақбул таклиф фойдасига якуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш ҳисобидан қўллаб-қувватланади;

харид қилиш тартиб-таомилларига доир ҳужжатларни ва ҳисоботларни тузиш ҳамда бут сақлашни таъминлаш орқали амалга оширилади;

Давлат харидларининг холислиги харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишдаги, шунингдек энг мақбул вариант фойдасига якуний қарор қабул қилишдаги беғаразликни назарда тутади.

Давлат харидларининг холислиги:

Иссиқлик тизимини жорий тамирлаш бўйича иштирокчиларига тенг имкониятларни таъминлашга;

давлат харидлари субъектлари ўртасида рақобатни ва уларга нисбатан беғаразликни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга;

давлат харидлари жараёнида шикоятлар, низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишнинг ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўришнинг очик, ошқора ва тортишув механизмларига асосланади.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби директор ўрин босари Ни.И.К ҳамда бош ҳисобчиси Аллабердиев Ш.Ж сўзга чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган таклиф ва мулоҳазаларни атрофлича муҳокама қилиб, йиғилиш **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби директор ўрин босари Ни.И.К **149 982 833,0** сўм маблағ ажратилганлиги инобатга олинсин.

2. Мазкур маблағларнинг 149 982 833,0 сўм маблағ доирасида иссиқлик тизимини жорий тамирлаш режалаштирилган параметлари, нархлари ўрганилганлиги, шунингдек, ушбу иссиқлик тизимини жорий тамирлаш параметртга мос булиши шарт.

3. Танлашда иштирок этувчиларига қўйиладиган талаблар куйидагича маъқуллансин:

Ушбу иссиқлик тизимини жорий тамирлаш таклиф қилувчи корхона ушбу фаолият билан иш юритиши, корхона гувоҳнома ва сертификати, тамирлашга етарли айланма маблағлари (банк маълумотномаси) бўлиши шарт.

- Шартномада кўрсатилган муддатда жорий тамирлаш ишлари тугатилиши шарт.

- Таъмирлаш ишини бажарувчи корхонанинг камида 3 йиллик тажрибаси бўлиши шарт.

- Корхона тажрибали мутахассисларга эга бўлиши шарт.

- Корхона томонидан жорий таъмирлаш ишлари тугатилгандан сўнг бажарилган иш юзасидан 1 йиллик кафолат хати берилиши шарт.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда А 4 форматда тақдим этилади. Ушбу конвертда: Корхонанинг гувоҳномаси, лицензияси; маҳсулот учун мувофиқлик сертификати (агарда мувофиқлик сертификати бошқа корхона номига берилган бўлса, шу корхона билан тузилган шартнома нусхаси) ва тамирлашни ҳисоб-китоб қилинган тижорат таклифи, таклиф қилинаётган қурилиш матириаллари эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа таснифлари тўғрисида маълумот, солиқ ва мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома, банкдан картатека йўқлиги тўғрисида маълумотнома, иштирокчилар томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (кафолат хат) тақдим этишлари шарт.

Танлашда иштирок этиш учун корхона раҳбари ёки вакили номига ишончнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинади.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақлидир.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Энг яхши таклифларни танлаш икки босқичдан иборат бўлиб:

- Биринчи босқичда тамирлаш бўйича ҳужжатлари талаблари бўйича техник параметрлари, сифат даражасига мос келиши кўриб чиқилади (ҳар бир тамирлаш матириалининг мувофиқлик сертификати (агарда мувофиқлик сертификати бошқа корхона номига берилган бўлса, шу корхона билан тузилган шартнома нусхаси), гигиеник сертификати, лаборатория текширувидан ўтказганлиги тўғрисида хулосаси ҳамда танлов ўтказиш кунида намуна тақдим этилади). Юқоридаги талабларга мос келмаган таклифлар

комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди ҳамда кейинги боскичга кўйилмайди.

- Иккинчи боскичда танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг берилган таклифларда маҳсулотларнинг нархлари бўйича танлаш ғолиби аниқланади.

Танлаш ғолиби аниқлангандан сўнг шартнома лойиҳаси (шартнома лойиҳаси бириктирилган файлда) асосида миллий валюта-сўмда шартнома расмийлаштирилади. Харид қилинган ятак кийимлари учун тўловлар пул кўчириш йўли орқали қонун доирасида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади. Маҳсулот сифати бўйича талаблар эълонда ва файлда бириктирилиши.

4. Ҳисобчиси (Ш.Ж.Аллабердиев) га:

ажратилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонунида белгиланган “Энг яхши таклифларни танлаш” тартиби асосида танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига эълонлар жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур йиғилиш қарорини бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби ўқув ишлар бўйича директор ўрин босари Ни.И.К зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котибаси

Джуракулова Ш.Х.

И.К.Ни-Директорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари

Расулов М.А. – Касаба уюшма кўмитаси раиси

Мадатов Э.М. – Услубчи

Буриев Ш.У. – Услубчи

У.С.Бўриев - Ҳўжалик мудири

Ш.Ж.Аллабердиев - бош ҳисобчи

Қ.Б.Исмоилов - Фонд сақловчиси